

Ҳамкорлар

Кафедра ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-текшириш ва академик институтлар — Чирчиқ-Охангарон ирригатсия тизимлари ҳавза бошқармаси, «Ўзсувта’мирсувфойдаланиш» бирлашмаси, ТИҚХММИ қошидаги «Ирригатсия ва сув муаммолари» илмий-тадқиқот институти, «Физика-Қуёш» ИИЧБ (тел: 71-233-12-71, фтиканс@узссинсе.нет), МЧЖ УЗГИП (тел: 71-242-27-76, узгип@бк.ру), «Гидропроект» ОАЖ, (тел: 71-253-14-65 гдиб@инбох.уз) «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (тел: 71-230-33-50, девонхона@узгидро.уз), Тошкент ГЭСлар каскади (тел.: 71-236-60-00, кташГЭС@узгидро.уз), ОАЖ «Сувмаш»

(тел.: 71-295-13-00, оффисе@суvmаш.уз), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Насос стантсиялари, энергетика ва алоқа» бошқармаси (тел.: 71-241-17-72, насос@агро.уз), билан «Олий та’лим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ё’лга қўйиш борасида амалга ошириладиган ишлар бўйича» шартномалар тузилган. Бундан ташқари ТИҚХММИ қошидаги «Ирригатсия ва сув муаммолари» илмий-тадқиқот институти, «Ўзсувэнерго» ихтисослашган бирлашмаси ҳамда «Сувмаш» ОАЖда кафедранинг филиаллари фаолият кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2018 йилдаги ПҚ-3702-сонли Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш муҳандислари институтида олий ма’лумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғ’рисидаги қарори ижросини та’минлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Олий та’лим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ё’лга қўйиш борасида амалга ошириладиган ишлар бўйича “Ўзбекгидроэнерго” акционерлик жамияти ҳамда унинг таркибидаги “Чирчиқ ГЭСлар каскади” унитар корхонаси ҳамда Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш муҳандислари институти ўртасида тузилган шартномаларга асосан талабаларга институтда олаётган назарий билимларини бевосита ишлаб чиқариш жараёнида мустаҳкамлаш мақсадида Чирчиқ ГЭСида институтнинг Гидротехника қурилиши факультети “Сув энергияси ва насос стантсияларидан фойдаланиш” кафедрасининг филиалининг очилишига бағ’ишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир “Ўзбекгидроэнерго” акционерлик жамиятининг кадрлар ва олий та’лим муассасалари бўйича бошқарма бошлиғ’и Суннатов Иноят Сохибович, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғ’и Хуршид Лапасов, “Чирчиқ ГЭСлар каскади” унитар корхонаси директори – Шадманов Абдурасул Абдурашидович” институтнинг Гидротехника қурилиши факультети декани Хасанов Бахриддин Баратович томонидан тантанали равишда очиб берилди.

Кафедра филиалида институтнинг “Ирригатсия тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш” бакалавриат та’лим ё’налиши 4 курсининг 59 нафар талабалари “Гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш” фанидан ҳамда “Насос стантсиялари ва қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхиси” ва “Гидроэлектростантсиялар қурилиши ва улардан фойдаланиш” магистратура мутахассислиги 17 нафар 1 ва 2 курс магистрантлари “Гидроэнергетик қурилмалар” ҳамда “Гидроэлектростантсиялардан фойдаланиш” фанларидан амалий машғ’улотлар давомида институтда олган назарий билимларини мустаҳкамлашади. Бунинг учун филиалда 20 ва 40 ўринга мўлжалланган замонавий ўқув қуроллари билан (интернет, видеопроектор, телевизор) жиҳозланган 2 та аудитория ва лаборатория хонаси ажратилган.

“Ирригатсия тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш” бакалавриат та’лим ё’налиши талабалари “Гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш” фанидан 7, 8-семестр давомида 46 соат, “Насос стантсиялари ва қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхиси” магистратура мутахассислиги магистрантлари эса “Гидроэнергетик қурилмалар” фанидан 80 соат ҳажмидаги

амалий машг'улотларни "Чирчиқ ГЭСлар каскади"нинг етакчи ва тажрибали мутахассислари олиб боришади.

Амалий машг'улотлар давомида талаба ва магистрантлар ГЭСнинг ишлаш принтсипи, турбина ва гидрогенератор, ёрдамчи жихозлари, бошқарув тизими, эксплуатация қилиш, жорий ва капитал та'мирлаш, реконструкция қилиш каби мавзуларни бевосита ишлаб чиқариш билан боғ'лаб, ўз билим ва кўникмаларини мустақамлашади.

Кафедра филиалида тизимли равишда олиб бориладиган амалий машг'улотлар учун дарс жадвали ТИҚХММИ ўқув ишлари бўйича проректори профессор Б.С.Мирзаев томонидан тасдиқланган.

Шунингдек, ТИҚХММИ ректорипрофессор Ў.П.Умурзоқов ва "Ўзбекгидроэнерго" АЖ раиси А.А.Сангинов томонидан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномасига асосан мазкур та'лим ё'налишидаги 30 нафаргача талабалар учун ҳар йили ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти ҳам Чирчиқ ГЭС лар каскадларида олиб борилиб, улар ушбу объектларга ишлаб чиқариш учун кўникма ҳосил қилишади.

Бундан ташқари, талаба ва магистрантлар ГЭС таркибига кирувчи гидротехник иншоотлар -деривация канали, напорли ҳовуз, сув қабул қилиш иншоотлари, турбина ва сўриш қувурлари, сув ташлаш иншоотлари, олиб кетиш канали каби иншоотларнинг эксплуатация қилиш жараёнларида иштирок этишиб, йиллик, ярим йиллик, чорак, ойлик ва декадалар бўйича сув сарфи ҳамда ишлаб чиқарилаётган электроэнергия миқдорини ҳисобларини олиб бориш тартибини ўрганишади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари, ҳамкорлик шартномалари тузилган ва филиаллар ташкил қилинган корхоналар билан: мутахассисларининг талабаларга ма'руза, семинар, лаборатория ва амалий машг'улотлар ўтказиши, бакалаврлар малака-битирув ишига ҳамда магистрларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик қилишларини ташкил қилиши; магистр ва бакалаврларнинг ўқув амалиёти ҳамда малака-битирув олди ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтишлари учун лаборатория ва қурилмалардан фойдаланишга имконият яратиши; ўзаро ҳамкорликда янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил этиши; ҳамкорликда яратилган соҳанинг илмий ва илмий-технологик муаммолари базасига биноан номзодлик ва докторлик диссертациялари изланишларнинг мавзуларини белгилашга ёрдамлашиши; ҳамкорликда соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши; кафедрада тайёрлана-ётган бакалавр ё'налишлари, магистрлик мутахассисликлари, аспирант ва докторантлар тайёрлаш мақсадида ўқув маркази ёки кафедралар филиалини ташкил этиши; институтни муваффақиятли тугатган бакалавр ва магистр-ларни иш билан та'минлашда ҳамкорлик қилишлари келишиб олинган.

Охириги йилларда профессор-ўқитувчлар, «Инновацион та'лимни лойиҳалаштириш, режалаштириш ва уни жорий этиш технологияси», «Та'лимда инновацион технологиялар курси» ва бошқа ё'налишлар бўйича малакаларини оширдилар. Малака ошириш на фақат юртимиз олий та'лим муассасаларида балки чет эл университетларида ҳам олиб борилди. Кафедра доценти Мажидов Т.Ш. Эрасмус Мундус Эхтернал Сооператион Виндоу дастури доирасида Шветсиянинг Лунд университетиде 3 ойлик малака ошириш курсларида бўлиб қайтди. Ҳозирги кунда Лунд университети билан аспирантлар алмашиш тўғ'рисида келишув имзоланган. Кафедра доценти Т.Мажидов 2012 йилнинг 23 апрелидан 02 майгача Япониянинг "Кубота" корпорациясида бўлиб, Жиззах вилоятида 3-сон насос станциясига ўрнатиш учун тайёрланган насос агрегатларини қабул қилишда ҳамда "Насос агрегатларини ишлаб чиқараётган заводларда ўтказиладиган тест синовларида иштирок этиш ва белгиланган тартибда расмийлаштириш ва натижаси юзасидан далолатноам тузиш" ишларида қатнашди. Завод ва институт ма'мурияти ўртасида ҳар йили, кафедрадаги ё'налиш ва мутахассислик талабалари, ишлаб чиқариш амалиётини Япониянинг Хираката заводида ўтишлари тўғ'рисида Шартнома тузилди. Бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларига ҳамда кафедра лабораториясини жиҳозлашга ҳам завод ма'лум миқдорда маблағ'

ажратиш истагини билдирди.

Кафедрада ўқув, ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини ўтказишга жуда мас'улият билан қаралди. Ўқув амалиётларида талабаларни кафедра лабораторияси билан таништириш билан бир қаторда, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги насос стантсиялари, насосларни ишлаб чиқарувчи ва та'мирловчи корхоналар, гидроэлектростантсиялар, ноана'навий энергия манбаларидан фойдаланиш — қуёш энергияси ёрдамида иситиш ва электроэнергия олиш қурилмалари кўрсатилади. Ишлаб чиқариш амалиётлари, қурилаётган, та'мирланаётган ва реконструкция қилинаётган энергетик объектлар ўтказилади. Сурхондарёда қурилаётган Тўпаланг сув омбори қошидаги ГЭС, Чирчиқ-Бўзсув энергетик каскадидаги ГЭСлар, Фарҳод ГЭСи, Оҳангарон ва Эртошсой ГЭСлари, насослар ишлаб чиқарувчи ва та'мирловчи «Сувмаш» заводи, реконструкция қилинаётган «Норпай» насос стантсияси, Қорақалпоғ'истон Республикаси ва вилоятлар «Насос стантсиялари, энергетика ва алоқа» бошқармаларининг насос стантсиялари ва бошқалар шулар жумласидандир. Битирув олди амалиётлари ҳам юқорида келтирилган ташкилотларда ўтказилади ва малака-битирув ишларини тайёрлаш учун улардаги объектлар тўғ'рисида материаллар тўпланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент ирригатсия ва мелиоратсия институти «Сув энергияси ва насос стантсияларидан фойдаланиш» кафедрасининг соҳа бўйича ишлаб-чиқариш билан узвий алоқасини та'минлаш, талабаларга билим бериш ва профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек жорий ва ишлаб-чиқариш амалиётини ташкил қилиш, амалий ҳамда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш бўйича чоратадбирлар режасига асосан кафедрага Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувенерго» ихтисослашган Бирлашмаси, «Қуйи-Сирдарё» ИТХБ ҳамда «Қарши магистрал канали» бошқармалари биркирилган. Ҳозирги кунда ушбу ташкилотларнинг амалий ёрдами натижасида, кафедра лабораториялари жиҳозлари бутланмоқда, ўқув жараёнини услубий ва ўқув адабиётлари билан тўлиқ та'минлаш ишлари амалга оширилмоқда, талабалар ва профессор-ўқитувчиларни эксплуатация қилинаётган ва қурилаётган гидроэнергетик объектлар билан таништириш ишлари олиб борилмоқда, гидроэнергетик объектларди талабаларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ташкил қилиниб ўтказилмоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчилари педагогик фаолияти билан бир қаторда, Қорақалпоғ'истон Республикаси ва вилоятларда сув танқислиги даврида насос қурилмаларини ўрнатиш, уларни эксплуатация қилиш, та'мирлаш, энергоресурслардан самарали фойдаланиш тўғ'рисида дала ва ўқув семинар машғ'улотлари ўтказишади, оммавий-ахборот воситалари-телевидение, радио ҳамда газета ва журналларда ҳар хил мақолалар билан чиқишлар қиладилар.